

- **2-МАВЗУ: СУВ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМЛАРИДАН
Фойдаланишни ҳавзавий усулга
ўтказиш ва уларнинг иқтисодий
самарадорлигини ошириш тадбирлари**

- **РЕЖА:**

1. Сув хўжалиги тизимини бошқариш ва уни такомиллаштириш.
2. Сув хўжалиги бош бошқармасининг вазифалари ва мажбуриятлари.
3. Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг вазифалари ва мажбуриятлари.

• Фойдаланиладиган адабиётлар руйхати:

1. И. Каримов Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда. Тошкент: Ўзбекистон.–2000 й.
2. И.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Тошкент. 2005 й.
3. А.С.Султонов, С.Хўжаев, Д.Минин. «Суғориладиган ерлар сув хўжалиги экономикаси». Тошкент «Меҳнат», 1989.
4. Ф.К.Каюмов. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. Москва, ИПО. «Полигрон», 1992.
5. А.С.Султонов, З.Я.Худойбергганов, С.А.қўчқорова «Сув хўжалиги иқтисодиёти». Тошкент 2007.
6. У.П. Умурзаков, А.С.Султонов, Ж.Х. Рашидов «Сув хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти» дарслик 2016 й.


Дунё сув хўжалигида сўнги 10-12 йилда нима юз берди?

- Сувга бўлган умумий талаб 550 млрд. кубометрга ошди;
- Сув тақчиллигининг таъсири (1000 м³/киши дан кам бўлган) 0,5 млрд. кишидан 1,4 млрд. кишига ошди;
 - Очликдан азият чекувчилар 850 миллиондан 1020 миллион кишига ортди;
 - 2 миллиард одам канализация билан таъминланмаган;
 - Сув билан боғлиқ табиий офатлар келтирадиган зарар 2,6 мартага кўпайган!!!

**2050 йилга бориб олинаётган сувнинг 70 фоизини
суғоришга беришга тўғри келади.**

Дунё аграр сектори

Киши бошига тўғри келадиган
майдон, га/киши



- **275 млн.га** суғориладиган майдонларнинг **20 фоизи** экин экиладиган ерлар ҳисобланади;
- Дунёдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг **45 фоизи** ушбу майдонларда ишлаб чиқарилади.



Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида мавжуд сув ресурслари ва унинг давлатлар ўртасида тақсимланиши

Давлатлар	Жами	Шу жумладан	
		Сирдарё	Амударё
Ўзбекистон	56,19	17,28	38,91
Қирғизистон	4,41	4,03	0,38
Қозоғистон	12,29	12,29	
Тожикистон	12,34	2,46	9,88
Туркманистон	21,73		21,73
Афғонистон	7,44		7,44
Жами	114,4	36,06	78,34

- Ўзбекистон Республикаси сув ресурсларини бошқаришнинг олдинги таркибида жами 260 та ташкилотлар фаолият юритган бўлса, амалдаги таркиб эса ўз ичига 101 та ташкилотни бирлаштиради ёки улар сони 159 тага қисқартирилди. қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги «Сув хўжалиги бош бошқармаси» зиммасига: Давлатлараро сув хўжалиги комиссияси, Амударё ва Сирдарё сув ҳавзалари, Марказий диспетчерлик хизмати, Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари фаолиятини самарали ва бозор тамойиллари ҳамда механизмлари асосида ташкил қилиш вазифаси юклатилди.
- Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг асосий вазифалари қилиб эса: сувдан фойдаланишнинг бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш асосида сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишни ташкил этиш, илғор технологияларни жорий этиш асосида сув хўжалигида ягона техника сиёсатини ўтказиш, истеъмолчиларни сув билан узлуксиз ва ўз вақтида таъминлашни ташкил этиш ва сув истеъмолчилари бўйича сув ресурсларидан фойдаланишнинг аниқ ҳисоби ва ҳисоботини таъминлаш қилиб белгиланди.

- Сув хўжалиги бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Бош бошқармага ер усти сувларидан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда республика иқтисодиёти ва аҳолисини сув билан таъминлашга доир зарур тадбирларни амалга ошириш юкланади. Бош бошқарма Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларида ҳамда сув хўжалиги тизимининг бошқа корхоналари ва бирлашмаларида сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди, уларни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади ва уларни қуриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритади.
- Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги соҳасидаги ҳудудий органи ҳисобланади. Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси сув ҳавзасида сув ресурсларини тартибга солиш ва фойдаланишда ягона сиёсат ўтказилиши учун масъул ҳисобланади. ҳавза бошқармасининг асосий вазифалари бўлиб сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини ва механизмларини жорий этиш асосида сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини ташкил этиш ҳисобланади.

- Сув ресурсларини бошқарининг худудий принципдан ҳавза принципига ўтиш сув хўжалиги бир қатор имкониятларни яратди. Жумладан бир неча маъмурий ҳудудлардан ўтадиган ирригация тизими бир ҳавза бошқармаси билан бошқариш, маълум ирригация тизими ҳавза учун сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, илғор технологияларни кенг жорий этиш, истеъмолчиларни ўз вақтида сув билан узлуксиз таъминлаш, истеъмолчилар бўйича сув ресурсларидан фойдаланишнинг аниқ ҳисобини таъминлаш бўйича ягона сиёсат олиб бориш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилишни енгиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун зарур шарт- шароитларни таъминлаш.
- Фермер хўжаликларини сув билан таъминлашини яхши йўлга қўйиш учун ёппасига сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини тузиш бошланди. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) бир ёки бир неча канал атрофидаги сувдан фойдаланувчиларнинг хоҳиш иродаси билан тузиладиган ва улар томонидан бошқариладиган нодавлат, нотижорат ташкилотдир.
- СФУ ни ташкил қилиниши ўз аъзолари бўлган сувдан фойдаланувчиларга суғориш тармоғидаги сувни тақсимлаш ва уюшмани демократик асосда бошқаришда фаол қатнашиш имкониятини беради. Сувдан фойдаланувчилар СФУ нинг молиявий бошқарувини ошкора ташкил этишлари уюшма фаолиятининг барқарор ривожланишини таъминлайди.

• Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. И. Каримов Ўзбекистон ХХІ асрга интиломда. Тошкент: Ўзбекистон.–2000 й.
2. И.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Тошкент. 2005 й.
3. А.С.Султонов, С.Хўжаев, Д.Минин. «Суғориладиган ерлар сув хўжалиги экономикаси». Тошкент «Меҳнат», 1989.
4. Ф.К.Каюмов. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. Москва, ИПО. «Полигрон», 1992.
5. А.С.Султонов, З.Я.Худойбергганов, С.А.қўчқорова «Сув хўжалиги иқтисодиёти». Тошкент 2007.
6. У.П. Умурзаков, А.С.Султонов, Ж.Х. Рашидов «Сув хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти» дарслик 2016 й.